Ушбу сонда:
2 ГАЗЛИ тафтидан бутун мамлакат баҳраманд
3 Ҳуқуқий маслаҳатхона МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ХУСУСИДА
4 «Ўзбилбўл» ЯНГИ МИЛЛИЙ ЎЙИН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 26 июн, сешанба №97 (1111)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июн куни Оқсаройда «SOS-Киндердорф интернационал» халқаро хайрия ташкилоти президенти Гельмут Катинни қабул қилди.

«SOS-Киндердорф интернационал» етим болаларга оила шароитидагидек таълим-тарбия бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланувчи халқаро хайрия ташкилотидир. Унинг юздан зиёд мамлакатда ўз филиаллари мавжуд. Улар «SOS-болалар маҳалласи» деб аталади. Бундай маҳаллалар қаровсиз қолган болалар учун гўдаклигидан то вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгунга қадар энг яхши бошпана бўлиб хизмат қилади.

- Дунёда хайрия ташкилотлари жуда кўп, - деди давлатимиз раҳбари. - Аммо, «SOS-Киндердорф интернационал»нинг ўрни ва нуфузи бошқача, деб ўйлайман. Етим болани асраб, ғамхўрлик қилиш, тарбиялаб, вояга етказиш энг хайрли ишлардан биридир. Сизнинг ташкилотингиз шундай савобли ишни зиммасига олиб, уни шараф билан уддаламоқда.

Мазкур ташкилот билан ҳукуматимиз ўртасидаги келишувга биноан, мамлакатимизда 1998 йили «Ўзбекистон SOS-болалар маҳалласи» уюшмаси тузилди. 1999 йили эса Тошкентда беш гектарлик жой ажратилиб, биринчи «SOS-болалар маҳалласи»нинг қурилиши бошланди.

Қурилиш белгиланган муддатдан анча олдин, 2000 йилнинг октябрида якунланди. «SOS-болалар маҳалласи» ўн тўртта оилавий коттеж, болалар боғчаси, маъмурий бино, меҳмонхона, иккита спорт майдончасидан иборат. Болаларнинг униб ўсиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу ерга ўтган йилнинг ноябр ойидан болалар қабул қилина бошлади. Ҳозир маҳаллада 14 нафар тарбиячи-энага ва 60 нафар бола яшайди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан «SOS-Киндердорф интернационал» ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАРКАЗИ

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш мақсадида Андижон шаҳридаги «Чўлпон» кинотеатри қошида вояга етмаганлар учун Ҳуқуқий марказ очилди. Ушбу марказ «Андижонкиновидео» вилоят акциядорлар бирлашмаси ишчилари ташаббуси билан ташкил этилди.

Марказда умумтаълим мактаблари, коллежлар, гимназиялар ва лицейларнинг юқори синф ўқувчилари учун мунтазам равишда машғулотлар ўтказилади. Бундан ташқари, бу ерда ёшларнинг ҳуқуқшунослар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, саҳна усталари, диний арбоблар билан учрашувларини ўтказиш кўзда тутилган. Учрашувларда гиёҳвандликка қарши кураш муаммолари, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни - гўзал Фарғона вилоятининг миришкор ва заҳматкаш деҳқонларини қўлга киритган катта меҳнат ғалабангиз - давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши натижаларга эришаётган сиз - фарғоналик деҳқонларнинг бу ютуғингиз вилоятда ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани, одамларда ўз ери, ўз мулкига нисбатан эгалик туйғуси шаклланаётгани, меҳнатга муносабат ўзгараётганидан яққол далолатдир.

Бу йилги мураккаб иқлим шароитида ҳар гектар ғаллазордан 33,5 центнердан ҳосил кўтариб, 268 минг 138 тонналик улкан хирмон бунёд этилгани, 9 минг тоннадан зиёд сара уруғлик тайёрлангани сизларнинг ҳақиқий омилкор деҳқонлар эканингизни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Айниқса, режага қўшимча 15 минг тонна буғдой топширишга аҳд қилиб, умумий ғалла хирмонини 283 минг тоннадан оширишга бел боғлаган, ўз кучига ишонадиган, ҳеч қачон оғирлигини бировга юкламайдиган сиздек лафзи ҳалол, фидойи инсонларга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Ишончим комилки, олижаноб ва мард инсонлар диёри бўлган Фарғона вилояти меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришиб, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, эл-юрт фаровонлигига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

Сизларнинг ана шу йўлдаги хайрли ишларингизда омад, хонадонларингизга қутбарака, бахту саодат тилайман. Доимо соғ-саломат бўлинг, азизлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ НОДИР ТУҲФАСИ

Тошкент Ислом университетида катта шодиёна бўлиб ўтди. 2000-2001 ўқув йили якунланиши арафасида талабаларга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг туҳфаси - буюк фиқҳшунос олим Бурҳониддин Марғинонийнинг XIII аср ўрталарида кўчирилган «Ҳидоя» асари тақдим этилди. Бу нодир асар Юртбошимизга Буюк Британиянинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган йирик компанияси раҳбари жаноб А.Патель томонидан ҳадя қилинган эди.

Жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёни ислом дини қадриятларини илм ва эътиқод мақомида асл манбалар асосида чуқур ўрганишни тақозо этади. Бундай бебаҳо туҳфанинг Президентимизга тақдим этилиши ўзбек халқига билдирилган ҳурмат ҳамда Имом ал-Бухорий ва ат-Термизий, Марғиноний ва Мотуридий каби алломалар юрти бўлган ўлкамизни кўплаб йирик давлатлар диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги диёри сифатида тан олганлигидан далолатдир.

Президентимизнинг ташаббуси ва фармонларига кўра ташкил этилган Тошкент Ислом университетида талабалар тилшунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар каби соҳалар бўйича таҳсил олмоқда. Ислом тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш, халқимиз қўлида сақланаётган осори атиқаларни тўплаш, илмий ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир асарлар билан бойиб бормоқда.

Президентимиз номидан топширилган ушбу ҳадя ўзбек халқининг илмий, диний-маърифий меросини янада чуқурроқ ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Туҳфани қабул қила туриб, университет талабалари Юртбошимизга оталарча доимий ғамхўрликлари учун ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этдилар.

(ЎзА).

МУВАФФАҚИЯТЛИ СИНОВДАН ЎТДИ

Навоий шаҳридаги саноат корхоналари сони яна биттага кўпайди. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнидаги «Каустик сода» заводи қурилишида монтаж ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда синов тариқасида олинган дастлабки каустик сода ва хлор маҳсулотлари лаборатория текширувидан ўтказилди. Завод «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Навоий конметаллургия комбинатининг, шунингдек, республикамиздаги бошқа саноат корхоналарининг эҳтиёжини қоплайди.

Германиянинг «Берлинер» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан 36,4 миллион АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит корхона муддатидан анча илгари қуриб битказилишига сабаб бўлди.

Завод тўла қувват билан ишга тушгач, 10,27 миллион АҚШ доллари миқдорида соф фойда олиш, яна 200 нафар янги иш ўрни очиш имконияти пайдо бўлади.

(ЎзА).

«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Нукус темир йўл бекатида бу ерга «Саломатлик поезди» етиб келишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Ушбу инсонпарварлик миссияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси ташаббуси билан ташкил этилди. Митингда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, инсонпарварлик миссияси аъзолари, темир йўл ходимлари сўзга чиқди.

Сўзга чиққанлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ушбу миссияси ҳукуматимизнинг экологиянинг ёмонлашуви ва сув тақчиллигидан азият чекаётган кишиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатига олижаноб жавоб эканлигини таъкидлашди.

Тошкентдан келган энг яхши мутахассислар бир ҳафта мобайнида Оролбўйи аҳолисига, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва болаларга бепул тиббий ёрдам кўрсатади.

(ЎзА).

ИШДАГИ ШИКАСТЛАНИШ

Унинг туб сабаблари нимада?

Инсон бу дунёда фаровон яшаш, орзу-хавас кўриш иштиёқида меҳнат қилади. Меҳнатим самарасидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлсин, дейди. Шундан лаззат, завқ олади. Аслида киши ҳаётининг асл мазмуни, моҳияти ҳам шунда.

Бироқ, турмушда инсон учун ҳеч кутилмаган воқеалар ҳам бўлиб туради. Кимдир иш пайтида жиддий жароҳат олади ёки ундан ҳам нохуш фожеа юз беради. Эрталаб уйдан соппа-соғ чиқиб кетган эди-я, деймиз, ачинамиз. Бунга йўл қўймаслик мумкин эди-ку, деб вақт ўтгач сабабларини таҳлил этамиз. Нуқсонларни аниқлаймиз. Таассуфки, бундан-да ачинарлиси, воқеадан тегишли хулоса чиқармаймиз. Кўнгилсизликлар такрорланмаслигининг чораларини кўришга баъзан юзаки қараймиз.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раёсати мажлисида асосий эътибор ана шундай масалаларга қаратилди. Унда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

Марказий қўмитанинг 2001 йилга мўлжалланган иш режасига биноан мазкур вазирликнинг вилоятлар ва туманлар бошқармаларида ҳамда ташкилотларида меҳнаткашларга қулай иш шароитлари яратиб беришда нималар қилинаётгани мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди.

Ҳисоботларда келтирилишича, содир этилган бахтсиз ҳодисалар 2000 йилда 1999 йилга нисбатан камайган. Ўтган йили меҳнат муҳофазаси тадбирларига 750.923 минг сўм сарфланган.

Ҳақиқатан ҳам олдинги йилларга қараганда ушбу масалага кўпроқ аҳамият берилаётганини қайд этиш лозим. Масалан, ҳар бир мавсумий қишлоқ хўжалик юмушлари олдидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди. Уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинди. Иккинчидан, вазирликка қарашли идоралар раҳбарлари, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича билимларини текшириш мақсадида 5448 нафар киши аттестациядан ўтказилди.

Айниқса сув хўжалиги тизимида бу борадаги ишлар намунали ташкил этилган. Бухоро ва Фарғона вилоятлари бошқармаларида техника хавфсизлиги хоналари мавжуд бўлиб, улар зарур даражада жиҳозланган. Соҳага оид ҳужжат ва йўриқномалар билан таъминланган.

Аммо қатор хўжалик ва ташкилотларда меҳнат шароитини яхшилаш, иш пайтида шикастланишларнинг олдини олишда ўзибўларчиликка йўл қўйилаётир. Бу баъзан жуда қимматга тушмоқда.

— Биргина ўтган йили 106 та бахтсиз ҳодиса рўй берди, - дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош меҳнат-техника нозири Ўрол Одилов. - Оқибатда 35 киши енгил, 35 киши оғир тан жароҳати олди. Энг қайғулиси, 36 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Шунча оила боқувчисидан айрилди...

Бир ўйлаб кўрайлик, ўша 36 марҳумнинг яқинлари жудоликдан қандай аҳволга тушган экан? Шундай оилаларнинг бир нечтасига 15 миллион сўмдан ортиқ пул тўланди. Лекин айрилиқнинг ўрнини пул билан тўлдириш мумкинми? Ваҳоланки, аҳвол шу даражага етишига йўл қўймаслик мумкин ва шарт эди. Ахир, инсон азиз, ҳаёти ундан азиз, деб алломалар бежиз айтишмаган.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Яна шуниси борки, иш пайтида ҳалокатга учраганлар оиласига бир йўла тўланадиган нафақа пули айрим ишхоналарда жамоанинг ойлик маоши маблағидан ошиб кетмоқда. Мисол учун «Паркентсувқурилиш» трестига қарашли 4-махсус механизациялашган кўчма жамланмада ҳалок бўлган ишчи Т.Серкебаев хонадонига 777044 сўм товон пули берилиши ҳисоб-китоб қилинган. Лекин, ташкилотнинг бир ойлик жами иш ҳақи фонди эса 522711 сўмни ташкил этади. Бу ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда, албатта.

Афсуски, бултурги бахтсиз ҳодисалар қайсидир мутасадди ва мутахассислар учун сабоқ бўлмаган кўринади. Амалдаги йилнинг ўтган беш ойида вазирлик тизимидаги меҳнат жамоаларида 12 киши ҳалок бўлгани шундан далолат бермайдими? «Иргидромаш» заводида техника хавфсизлиги қоидаларининг қўпол равишда бузилиши оқибатида бир ой ичида икки нафар ишчининг тақдири аянчли тугади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, содир этилаётган нохуш ҳодисаларнинг ҳар тўрттасидан биттаси тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларининг носозлиги, ундан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик сабабли келиб чиқмоқда. Шунинг оқибатида сўнгги 2,5 йилда 49 та юқори малакали механизаторнинг умри бевақт ҳазон бўлди. Рақамлардан кўринадики, қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ишлари қониқарли эмас. Наҳотки, бу мутасаддиларни ташвишлантирмаётган бўлса?

Раёсат йиғилишига тайёрланган маълумотда келтирилишича, касб касалликлари билан оғриш даражаси ҳам юқорилигича қолмоқда. Охирги 3 йилда касб касаллиги орқасидан ногирон бўлганлар 172 нафар кишини ташкил этади. Шу йилнинг 5 ойида эса улар сони яна 32 нафарга кўпайган.

Шу ўринда бир ҳолатга тўхталмай илож йўқ. Жойларда ногиронларга тўланиши лозим бўлган маблағ вақтида берилмаётир ёки нотўғри тўланмоқда. 2000 йилда тармоқ Марказий қўмитасига шу масалада 45 нафар киши мурожаат этди. Амалдаги йилнинг 1 июнигача эса — 14 нафар киши. Вилоятлар ва туманлар касаба уюшмалари қўмиталарига тушган шикоятлар бундан ҳам кўп.

Боқувчисини йўқотганларга ажратилган маблағ эгалари қўлига ҳалигача тегмаган ҳоллар учрайди. Булоқбоши туманидаги «Шарқ юлдузи» хўжалигида механизатор Т.Раҳимов 2000 йил 24 август куни иш пайтида вафот этди. Хўжаликнинг бу оилага бир йўла тўланадиган товон пули ҳамда ойма-ой бериладиган нафақадан қарзи 659938 сўмни ташкил этади.

(Давоми бор).

Р.БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ГАЗЛИ тафтидан бутун мамлакат баҳраманд

ЧИНАКАМ ҚАҲРАМОНЛИК НАМУНАСИ

Олима НАСИМОВА, «Газлитрансгазузатишқазибчиқариш» бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Газли. Бугун бу шаҳарни дунё танийди. У ҳақда қанча ёзсак, шунча камдек туюлаверади.

Газлини сир-синоатларга тўла қадимий ва навқирон Бухоро заминининг юраги десак, муболаға бўлмайди. Унинг тафтидан минглаб инсонлар баҳраманд бўлаётгани барчага аён.

Вақтнинг тутқич бермаслигини қарангки, кечагина Қизилқум барҳанлари қўйнидан топилган газ қудуқларидан фойдаланила бошланганига ҳам ҳадемай ярим аср тўлади. Ярим асрдирки, Газли бойлиги инсонлар хизматида. Ярим асрдирки ҳатто қардош халқлар қалби олов газлиликлар шижоатига тасаннолар айтишаётир. Ўтган даврда қазиб олинган газ, нефт, конденсат маҳсулотлари пулга чақилса, 43 миллиард доллардан ошар экан. Бу ҳазилакам рақам эмас. Унда матонат ва шижоатда тенги йўқ газлиликларнинг жасорати мужассам. Қаҳратон қиш изғиринлари, ёз чилласидаги жазирамалар, Оролбўйи ҳудудидан эсаётган кучли чангтўзонлар, гармселлар ҳаттоки 1976 йил апрел, 1984 йил мартида содир бўлган кучли ер ости силкинишлари ҳам ҳаётининг ҳар кун, ҳар соати чинакамига қаҳрамонлик намунаси бўлиб қолаётган газлиликлар иродасини бука олмади. Уларнинг матонатига, сабр-бардошига қойил қоласан киши.

Яна бир эътироф этадиган жиҳат. Газли кўп миллатли шаҳар. Бу ерда ўзбеку тожик, қозоғу рус, татару бошқирд, хуллас, 20 га яқин миллат ва элат вакиллари аҳил, иноқ меҳнат қилмоқдалар. Кейинги ер қимирлашидан сўнг шаҳар тамомила қайтадан бунёд этилди. Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланди. Ҳар қадамда бир-бирига ҳамкор, ҳамнафас бўлиш, қўллаш, кези келганда, тасалли-таскин бериш каби хислатлар янада чуқур илдиз отаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Айтишларича, бу Газлидаги беш бебаҳо бойликнинг бири ҳисобланади.

Шаҳарда 12 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Унинг асосий қисми ўз тақдири ва келажагини «Газлитрансгазузатишқазибчиқариш» бошқармаси билан боғлаган. Мазкур корхонада айни чоғда салкам 8 минг киши юрт фаровонлигига баҳоли-қудрат ҳисса қўшаяпти.

Ҳа, Газлини дунё таниган ватан олган шаҳар деймиз. Муболағасиз эътироф бу! Шундай дейишимизнинг яна бир сабаби бор. Бу ҳам бўлса, унинг газ заҳиралари ва таркиби билан боғланади. Газлидан чиқаётган газ ўзининг тозалиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради. Тошқудуқда жойлашган бу кон энг йирик заҳирага эга бўлган манбалардан биридир. 40 йилдан ортиқ вақт ўтса-да, ҳамон у ердан қимматбаҳо ашё қазиб олинаётир.

Яқингача Газлига ўхшаш табиий бойликларга мўл конларнинг ҳам қўл-оёғи боғланиб тургандек ҳолатда эди. Хонадонларни қўя турайлик, саноат корхоналари-ю, бир қатор давлат аҳамиятига молик иншоотларга газ киритиш ҳам эса муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Ўз касбининг фидойилари Носиржон Зокиров, Сувонқул Қодиров, Владимир Коламейчук, Юнус Худойбердиев, Давлат Табилганов, Калдибек Ходжаниязов, Аваз Баликбоевлар бошқармамиз фахри ҳисобланишади.

Уюштириладиган ёрдам, мукофот пуллари, таътилга чиқишдаги қўшимча тўловлар ва бошқа сийловларни бирга ҳисоблаганда, ойлик маошимиз 30-40 минг сўмга тўғри ке-

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

амри маҳол эди. Бунинг учун Москвага зир қатнаб, у ердан рухсатнома олиш талаб этиларди. Газлига туташ туманлар, аҳоли турар-жойларига «зангори олов» етказиш худди тушдек гап эди. Мустақилликдан кейингина халқимизнинг азалий орзуси ушалди. Қисқа фурсатда вилоятнинг 80 фоиз хонадонлари газлаштирилди. Яна 2-3 йилдан кейин нафақат Бухорода, балки республикамизда бу иш тўла-тўкис охирига етказилади. Бу, халқимизнинг истиқлол шарофати туфайли катта тараққиёт йўлига чиқиб олганлигидан далолат бериб турибди.

УЗЛУКСИЗ ИШ ЖАРАЁНИ

бу фидойиликни талаб этади

Нурилла РЎЗИЕВ, Дасмурод ЭСКАНОВ, ишчилар:

Корхонамизда узлуксиз иш маромида қарор топган. Ҳар бир бригада ўзига юклатилган вазифани бекаму кўст бажаришга эришмоқда. Жамоада ҳар бир ишчининг ўз ўрни бор. У қайси бўғинда ишлашидан қатъий назар, бурчига ҳалол, масъулият билан ёндошади. Бу ляпти. Оналар ва болалар йилида ишловчи хотин-қизларга алоҳида мурувват кўрсатилаётир. Шаҳарнинг 5 та болалар боғчасида фарзандларимиз яйраб-яшнаб тарбияланмоқдалар. Улар таъминотида ҳеч камчилик йўқлиги бизни қувонтиради.

Маълумки, ҳеч бир мамлакат ўз қобиғи ичида ривожлана олмайди. Бугун Газлидан қазиб олинаётган газ, нефт, конденсатга хорижда талаб жуда ошиб бораётганлигини инобатга олсак, бу макон давлатимизнинг қўшни мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиши учун ўзига хос алоқа вазифасини ўтаётгани дилларга қувонч бағишлайди. Вилоят ҳокимлигининг шаҳар аҳли турмуш тарзини тубдан яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлари биз, меҳнаткашларни ниҳоятда хурсанд этмоқда. Тез орада газлиликларни ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашга қаратилган дастур ижросига киришилади. Ўшанда шаҳримиз янада ободонлашади.

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАСКАНИ

Мухбир ён дафтаридан

Шаҳардан анча олисда жойлашган газ конларидан кеч қайтдик. Тунги чироқлар шуъласи шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Бошқарма бошлиғи ва марказдан келган меҳмонлар чеҳрасидаги ҳорғинликдан асар ҳам йўқ. Ўтган-қайтган шаҳарга кираверишдаги салобатли Она ҳайкалига нигоҳ ташлаб, қалбдан ҳурмат бажо келтиради. Ундан ўтиб улкан ва маҳобатли дарвоза олдида тўхтадик. Ичкарида карнай-сурнай садолари янграр эди.

— Дарвоқе, шаҳримизда ҳар кеча бирон кўнгилли тадбир ўтади, дейди бошқарма бошлиғи Комил Фозилов, — аммо бугунгиси бошқача. 30 йилдан буён шу жамоада фидокорона меҳнат қилиб келаётган бош механигимиз Раҳматжон Бафоевнинг ярим асрлик тўйи. Уни маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси биргаликда ўтказяпмиз. Қани, марҳамат!

Ҳаммамиз қувончли тантананинг шоҳиди бўлдик. Ўйин-кулги, ўзбек, қозоқ халқ лапарлари, ичак узди аскияларнинг кети узилмади.

Тун ярмидан оғган паллада ортга қайтар эканмиз Газлида яшаб, меҳнат қилиш учун инсон метиндек бардошли, сабр-тоқатли, фидойи бўлмоғи керақлигига яна бир карра иқрор бўлдик. Чет эл сармоясини жалб қилиб, келгусида бу масканда янада улкан, истиқболли ишлар амалга оширилажагини ўйлаб, қалбимиз жунбушга келди. Дояхотин, Қандим, Учқир, Янгиқазғон конларининг ўзлаштирилиши мамлакат юксалишида янада улкан имкониятлар яратиши муқаррар. Демак, Газли келгуси авлодларимизга ҳам хизмат қилувчи улкан имкониятлар майдонига айланган маскандир.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Меҳнат ва рағбат

«Мирзомиддин ота» фермер хўжалиги далаларига етиб борганимизда вақт пешиндан ўтган эди. Шийпон шундай йўл ёқасида экан. Кун иссиқ, ғир этган шабада йўқ. Лекин ўрим-йиғим суръати пасайган эмас. Иш ҳам қуёш тиккага келгани каби қизиган. Ризқ-рўз ортилган машиналар йўлдан тез-тез ўтиб турибди. Узоқда қудратли «КЕЙС»ларнинг бир маромда гувиллаши эшитилади.

Шийпонда олтмиш ёшлардан ошган киши чой ичиб ўтирар эди. Кўринишидан, белбоғи билан юз-кўзини артишидан яқинда даладан қайтган. Бизни кўриб пешвоз чиқди.

— Бошқалар кўринмайди? — сўрадик у кишидан. — Йўлда хушхабар эшитиб сизларни бир табриклаб ўтайлик дегандик.

— Э, кўп раҳмат сизларга. Фермер хўжалигимиз аъзолари бироз дам олиб яна далага кетишди, — дея жавоб берди Олим ака Эшқозиқов. — Биласиз, деҳқоннинг юмуши кўпайган пайт ҳозир. Бу ёқда ғалла ўрими, бу ёқда ғўза парвариши. Мен ҳам эндигина келиб бир пиёла чой ичиб, қайтаман деб тургандим.

— Фермер хўжалиги раҳбари ҳам ўша ердами?

— У киши ғалла қабул қилиш пунктида бўлса керак. Ҳисоб-китоб билан банд. Топишинглар қийин-ов.

Олим ака деҳқонларга хос содда, самимий, дилкаш инсон экан. Керагини оларсиз, деди-да жамоанинг қандай ташкил бўлгани, фермер хўжалигимиз аъзоларига тегишли. Эрта-индин уйимиз донга тўлади, насиб этса. Ўн киши эҳтиёжимизга яраша дон оламиз. Ўрим-йиғим мавсуми бошланибдики, меҳнат ҳақимизни ҳар беш кунда шу ернинг ўзида санаб оляпмиз. Қўлга пул тушиб тургач, чарчоқни унутиб қизиқиб ишлайверарканмиз.

— Лекин тунов куни Юртбошимизнинг Қашқадарёга бориб айтган гапларидан жуда таъсирландим, роҳат қилиб тингладим, — чойини ҳўплаб гапини давом эттирди суҳбатдошимиз. — Бари деҳқон дилидаги гаплар. Меҳрибончилик шунчалик бўлар. Дала кишисига эътибор берилса, у моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланса, мўл ҳосил, кўпроқ фойда олай деб ўзи интилади. Қишлоқ хўжалигимизни ривожлантиришнинг биринчи ва асосий шарти ҳам шу аслида. Эскилар айтган: қорни тўқ гап уқади, қорни оч нимани уқади, деб. Ўзимиздан мисол-да, уйимиз донга тўлиб, қўлимиз пул кўриб беш йилдирки, бу йилги даромадимиз яна ҳам кўпроқ бўлсин, деб ҳаракат қилаяпмиз. Шунга яраша орзу-ҳаваслар ҳам кўпаяверар экан. Фарзандлар уй-жойини яхшилаб, машина олиб бersам, деган орзулар пайдо бўлар экан.

— Айтгандай, бултурги даромадлар қандай бўлди?

— Икки-уч мисол келтираман, ўзларингиз тушуниб олаверасизлар. Ўтган йилги соф фойдадан фермер хўжалигимизга «Тико» сотиб олдик. Шу кичкинагина жамоада бир йилда 15 та тўй ўтказдик. Маошимиз 10 минг сўмдан ошади. Ундан кейин вақти-вақти билан ўсимлик ёғи, чорвага озуқа олиб турамиз.

Шийпонга разм соламиз. Электр уланган, бир чеккага радио, телевизор қўйилган. Шахмат-шашка бор. Аммо шийпон озгина таъмирталаб, баъзи кам-кўстларини тузатиш керак.

— Таъмирлаяпмиз, — дея изоҳ берди кўнглимиздан нималар ўтганини гўё сезгандай кекса деҳқон. — Материаллар бор. Ғалла мавсуми тугаши биланоқ ишга киришамиз. Уйингни назоратсиз қолдирма, деганларидек, қоровул тайинлаганмиз. Ёқуб ака қишин-ёзин шу ерда. «Мирзомиддин ота» фермер хўжалигида унинг ҳам улуши бор. Кейинги келганингизда кўрасиз, шийпонни яхшилаб қўямиз. Маблағ бор, иштиёқ бор, бу ёғи бир ҳаракат қилиш билан битади.

Мулоқотимиз авж олиб мавзу дам олиш, турли тадбирларга бориб тақалди. Сайру саёҳатлар ўз йўлига, бизни хурсанд этгани бу ерда тез-тез шахмат бўйича фермер хўжалиги биринчилиги ўтказилар экан. Албатта, соврини билан. Сувчи Темирбой ака Исановдан кўпдан буён чемпионликни ҳеч ким тортиб ололмаяпти, дейди Олим ака.

Қанийди, ҳамма жойда ҳам шундай тадбирлар уюштирилса. Бу ёшларнинг ҳаётга, меҳнатга муҳаббатини оширишда, дунёқарашини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Дала шийпонларини мўъжазгина жиҳозлаб, шу каби оддий, аммо кўнгилочар машғулотлар учун шароит яратиш мумкинку! Кафтдеккина ерни текислаб, спорт майдончаси барпо этиш ҳам кўп харажат талаб этмайди.

ТОПГАНЛАРИ УЙЛАРГА, ТЎЙЛАРГА БУЮРМОҚДА

... Мазкур фермер хўжалиги Гулистондаги Азизхон Носиров номли деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудида 1996 йили ташкил этилган. Раҳбари Абдурауф Исоқуловнинг асл касби шифокор-реаниматор. Қишлоқ боласи эмасми, ерга болаликдан меҳр қўйган. Фермер хўжалигининг жами 54 гектар ери бор. Шундан 34 гектарида дон етиштирилди. Давлат буюртмаси олдинги йиллардагидек бу йил ҳам ортиғи билан бажарилибди. Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, давлатга ғалла ҳам, пахта ҳам зарур. Суҳбатимиз чоғида ушбу ҳақиқатни яна бир бор туйдик: моддий манфаатдорлик қаерда яхши бўлса, ўша ерда ишлар яхши кетади.

— Ҳали 5 гектар ўрилмаган жой турибди, — дейди Олим ака. — У гининг афзалликлари, нималарга эришганликлари ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Ахир, инсон меҳнат қилдими, шунга яраша ҳордиқ чиқарсин-да.

... Нафас ростлаб бир-икки пиёладан чой ичгач, мезбондан кетишга рухсат сўрадик.

— Яна озгина кутинглар, ҳали замон Абдурауф ҳам келиб қолади. Мен билмаганларни у тўлдиради. Бошлиқ-да, ҳаммасидан хабардор. Яхши инсон, тадбиркор раҳбар, танишиб оласизлар...

Дилкаш инсон Олим ака билан илиқ хайрлашдик. Кекса деҳқон ҳам елкасига кетмонини ташлаб қадрдон даласи томон йўл олди.

З. РИХСИЕВ, Б.РАВШАНОВ.

БОҒ КЎРКАМЛАШМОҚДА

Сўнгги йилларда пойтахтимизда экологик мувозанатни янада яхшилаш, табиат мусаффолигини таъминлашда шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ушбу ишлар доирасида Шайҳонтоҳур туманининг Ибн Сино мавзесида 25 гектардан ортиқ майдонда барпо этилган янги маданият ва истироҳат боғини ободонлаштириш мақсадида икки ярим миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу маблағнинг 800 минг сўмига ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар олиб келиб экилди.

Шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси пойтахтимиздаги ҳайвонот боғини ободонлаштириш тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб, манзарали дарахт кўчатлари экиш учун 400 минг сўм ажратган эди.

(ЎзА).

Касаба уюшма оталиғида

Бухоро темир йўл дирекцияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан йил бошида жамоа шартномасини тузар экан, асосий диққат-эътиборни ҳар бир корхонада ишловчилар учун иш шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси, ўз вақтида рағбатлантириш, айниқса, темир йўл соҳасида ишловчиларнинг шикастланиши ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масалаларига қаратди.

БОЛАЛАРГА БЕПУЛ, МЕҲНАТЧИГА ИМТИЁЗЛИ

Меҳнаткашларнинг иш фаолиятини яхшилаш ва маданий тадбирларни ўтказишда бирлашган касаба уюшма қўмитаси бир мунча ижобий ишларни амалга оширди. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг қишки таътилини ўтказишга катта эътибор берилди. Жисмоний тарбия ва спортга ҳам эътибор талаб даражасида. Ўтган йили спорт тадбирлари учун 225,5 минг сўм ўтказилган бўлса, 285 минг сўмга спорт жиҳозлари сотиб олинди. «Локомотив» жисмоний тарбия клуби томонидан мини футбол бўйича ўтказилган мусобақада 8 та команда иштирок этиб, «ДПП» жамоаси ғолиблиги қўлга киритди ва Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон темирйўлчилари ўртасида ўтказилган мусобақада ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳнаткашларнинг аризаларига биноан 2161,4 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида 434 йўлланма ажратилди.

Болаларни соғломлаштириш бўйича «Дўстлик» оромгоҳида 1363 нафар ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари бепул дам олишди. Бу тадбир учун бирлашган касаба уюшма қўмитаси 9,2 миллион сўм сарфлади. Бухоро темир йўл касалхонасида даволанаётган болалар соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида касалхона ҳисоб рақамига 194,7 минг сўм, «Семашко» даволаниш муассасасига ҳар бир ўринга пул ўтказди.

— Мақсадимиз оналар ва болаларга бўлган ғамхўрликни янада кучайтириш, - дейди бирлашган касаба уюшма қўмитасининг раиси Тўра Пўлатов. - Болаларни даволатиш эса бепул. Бунинг учун маблағимиз ва имкониятимиз етарли.

Касаба уюшма қўмитасининг нияти — «Оналар ва болалар йили»да 1500 га яқин темирйўлчиларнинг болаларини бепул даволатиш ва ишчи-хизматчилардан 500 нафарини сиҳатгоҳларда имтиёзли дам олдиришдан иборат.

О.САИДОВ

Навоий шаҳридаги «Обинон» кичик корхонаси жамоаси кунига бир ярим минг тонна ундан 18 хилдаги мазали нон маҳсулотлари ишлаб чиқараётир. Корхонада Германиянинг жаҳонга машҳур «Венклер» аппаратлари ўрнатилганлиги маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва иш унумининг кескин даражада ортишига олиб келди.

Иноқ жамоада меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш омилларидан ҳам унумли фойдаланиляпти.

Суратларда: корхонанинг илғор ишчиларидан бири, Қурбонгул Ҳасанова, қўли гул ишчилар (чапдан) Учқун Мардонов ҳамда Нодир Ҳолиқов.

И.ҲАСАНОВ, олган суратлар.

ЗАРУР МАҲСУЛОТ

Яқинда Намангандаги «Шифо» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқара бошлайди. Наманганда ушбу муҳим маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нияти бундан ўн йил илгари пайдо бўлган эди. Бунинг учун барча керакли асбоб-ускуналар ҳам келтирилган эди. Аммо бошланган иш шу тариқа тўхтаб қолди.

Вилоят ҳокимлиги ёрдамида ташкил этилган янги қўшма корхона йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга киришди. Бугунги кунда корхонада қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Россиялик мутахассислар ёрдамида ускуналарни созлаш ишлари амалга оширилляпти. Шунингдек, россияликлар бу ерда меҳнат қиладиган мутахассисларни ҳам тайёрлашмоқда.

Қўшма корхонани мамлакат мустақиллигининг 10 йиллиги байрамида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Корхона ишга тушгач, 450 нафардан ошиқ киши иш билан таъминланади.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ХУСУСИДА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

САВОЛ: Халқ таълими бўлими ходимларига йиллик меҳнат таътили 24 иш куни ҳисобидан берилади. Биз ҳафтасига 5 кун, соат 9 дан 18 гача ишлаймиз. Меҳнат кодексининг 139-моддасида «Таътилларнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади» деб ёзилган.

Аммо, вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг ходимлари яқинда бизнинг ташкилотимизга келганларида «шанба куни, яъни ишламаган кун ҳам таътил кунига киритилиши керак» дедилар. Унда ходимга жабр бўлмайдими? «Ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календар кун меҳнат таътили берилади» дейилган. Масалан: Оддий ходим 1 июндан меҳнат таътилига чиқадиган бўлса, таътилдан 5 июлда қайтади. Агар у II гуруҳ ногирони бўлса, 1 июлда қайтади. Қани бу ерда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрлик? Аксинча уларга зарар етказилмоқда-ку?!

А.ШОНАЗАРОВ,
Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи.

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, Меҳнат кодексининг 139-моддасида «... олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан ...» деган ибораларга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Айнан шунинг учун ҳам вилоят касаба уюшмаси қўмитаси ходимларининг талаблари тўғри. «Бунда ходимга жабр бўлмайдими?» деган саволингизга келсак, қонунчиликда атайлаб шундай белгилаб қўйилган, акс ҳолда 5 кунлик иш ҳафтасида ишлаётганларнинг таътиллари давомийлиги 6 кунлик иш ҳафтасида ишлаётганларникидан кўпайиб кетишига олиб келган бўларди. Масалан, дейлик, Сиз 5 кунлик иш ҳафтасида ишлайсиз. Сизга таътил шартли равишда 2001 йил 18 июндан берилса, амалдаги қоидага биноан таътилингиз 14 июл куни тугаши керак. Агар Сиз хоҳлаган тартибда, яъни шанба кунларини ҳисобга олмасдан таътил берилса, 19 июлда тугаши керак бўлади. 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимнинг меҳнат таътили 24 кундан иборат деб қарасак, унга таътил беришда шанба кунларини чиқариб ташлаш мумкин эмас, чунки у шанба кунлари ҳам ишлаган. Шунинг учун унинг таътили, хоҳлаймизми, йўқми, 14 июлда тугайди. Бу адолатдан эмаслигига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилган бўлсангиз керак.

Сиз II гуруҳ ногиронини 1 июндан 1 июлгача тўғри ҳисоблагансиз, бироқ бошқа ходимнинг таътилини 1 июндан 5 июлгача нотўғри ҳисоблагансиз. Умумий тартибга кўра (ходимнинг таътили 24 кундан иборат бўлса) унинг таътили 5 июлгача эмас, балки 28 июндан тугаши керак. Демак, ногироннинг таътили оддий ходимникига нисбатан имтиёзлироқ экан.

САВОЛ: II гуруҳ ногиронийман. Ишга яроқ сизлик нафақасига 1991 йилдан чиққанман. Менга белгиланиши керак бўлган нафақа миқдори яна шу вақтдан 2000 йил январ ҳолатига ҳисобланди, яъни 3384 сўм. Шу тўғрими?

Ваҳобжон Матқобилов,
Қўқон шаҳар, Бобобек кўча, 13 уй.

ЖАВОБ: Мактубингизда изоҳланганларга кўра ногиронлигингиз ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ. Бироқ меҳнат қобилиятингизни қачон ва қандай сабабларга кўра йўқотганлигингизни кўрсатмагансиз. Шу боис яна ўша хатингизда кўрсатилган ногиронлик белгиланган вақтдан 1991 йилдан бошланган деб фараз қиламиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касаллигига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш» қоидаларига биноан:

ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги 12 ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) якуни бўйича аниқланади. Касб касаллигига чалинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи ҳам бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги 12 ой бўйича белгиланиши мумкин.

Ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариладиган ойлар сонидан (фуқаронинг хоҳишига кўра) иш ойнинг биринчи кунидан бошланмаганлиги ёки тўхтатилмаганлиги муносабати билан тўлиқсиз иш ойлари ҳамда уч ёшгача бўлган болани парвариш қилиш муносабати билан бериладиган таътил ойлари (шу жумладан, тўлиқ бўлмаган ойлар), шунингдек, фуқаро ногирон ҳисобланган ёки меҳнат жароҳати туфайли етказилган зарар тўловини олиб келган, 1 гуруҳ ногиронни, 16 ёшгача бўлган ногирон болани ёки даволаш муассасасининг ўзганинг парваришига муҳтожлик ҳақидаги хулосасига кўра қарияларни парвариш қилиш мобайнидаги иш вақти чиқариб ташланади. Бунда чиқариб ташланган ойлар бевосита олдинги ойлар билан алмаштирилади.

Мазкур Қоидаларнинг 12-бандида кўрсатилган давр учун, шунингдек, иш 12 ойдан кам вақт давом этганда, ўртача ойлик иш ҳақи ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш бўйича амалдаги йўриқномалар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Иш даври тўлиқ бир календар ойдан кам вақтни ташкил қилган тақдирда, зарарни тўлаш миқдори шартли ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. У қуйидаги тартибда аниқланади: бутун ишланган вақт давомида олинган иш ҳақи ишланган кунлар сонига бўлинади, ҳосил бўлган сумма бир йил учун ўрта ҳисобда чиқилган бир ойдаги иш кунлари сонига кўпайтирилади. Бу ҳолда зарарни тўлаш учун ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг уч баравар миқдоридан ошмаслиги керак.

Ҳақиқий иш ҳақи миқдорида тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда зарарни тўлаш миқдори зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаган ҳолларда ҳам етказилган зарарни тўлаш миқдори худди шу тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Нуқтаи назар

ЖАМОА МУҲИТИ

Жамият тараққиётини таъминлашда миллий ўзига хослик, халқнинг урф-одатлари, дунёқараши, маданияти алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга турмуш тарзимизга хос бўлган жамоавийлик ҳам бозор муносабатларини шакллантиришда ҳал қилувчи омилдир. Шахс ва жамоа, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларда мувозанатни таъминловчи асосий восита маънавиятдир. Маънавий камолот кўпқиррали муносабатлар — шарт-шароит, имкониятлар негизида шаклланади. Ўз навбатида жамоа ва жамиятнинг юксалиши шахснинг камол топишига асос бўлади.

Биламизки, шахс манфаати жамоа, жамият манфаати билан уйғунлашмас экан, ҳар қанча пухта ўйланган дастур ҳам кутилган натижани бермайди. Халқимиз турмуш тарзида шахснинг жамоа доирасида эркин бўлиши учун барча шароит яратилган. Бу ҳар бир киши зиммасига қатор мажбуриятлар юклайди. Жамоада ўзликни англаш, мақсадга интилишда камтар, камсуқумлик, эл манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш кабилар шулар жумласидан.

Соғлом жамоа соғлом ижтимоий, маънавий муҳит демакдир. Бу ерда киши тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати шакллана бориши билан бирга катта таъсир кучига эга бўлган жамоатчилик фикри инсон хулқини, ўзаро муносабатларини адолат, маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Демакки, жамоа маънавий муҳити бутун авлодни муайян йўналишда тарбиялаб боради.

Жамоа муҳитида амал қилувчи мезонлар меҳр-муҳаббатга асосланган якдилликка олиб борувчи омил вазифасини ҳам ўтайди. Улар жамоадаги турли фикрлар, турли хилдаги англашларни мувозанатлаштиради, кимларнидир турли кўргиликлардан асрайди. Шу маънода мустақил Ўзбекистонимизда ўзаро ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб яшаш масаласига катта эътибор берилаётир.

Х.ДЎСТҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

«ОЛТИН ТЕРИ»НИНГ ХОРИЖЛИК ХАРИДОРЛАРИ

Навоий шаҳрида «Олтин тери» корхонаси ишга тушганига етти ой бўлди. Бу ерда йилига 10 минг тонна жунни қайта ишлаш қувватига эга бўлган Германиянинг «Флайснер» фирмаси технологияси ўрнатилди. Унда қоракўлчилик хўжаликларидан келтирилган жун маҳсулотлари сараланиб, ювилиб, тоза ҳолда тойланмоқда.

Ҳозиргача уч минг тоннадан ортиқ маҳсулот Хива ҳамда Косонсой гилам тўқиш фабрикаларига етказиб берилди. Корхона маҳсулотларига Россия, Украина давлатлари ишбилармонлари ҳам қизиқиш билан қарамоқда. Шу кунгача хорижга минг тоннадан зиёд жун жўнатилди.

«Олтин тери» корхонаси жамоаси келгуси йилдан бошлаб, шу ернинг ўзида жундан тайёр уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

«Ишонч» 2001 йил 19 июн

«АНҲОР ЁНИДА МОЛХОНА...»

мақоласи газетхонлар эътиборида

КАТТА АРИҚЛАР НЕГА КЎМИБ ЮБОРИЛДИ?

«Ишонч» газетасида бериб борилаётган «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни остидаги ҳуқуқшуносларнинг чиқишларини қизиқиб ўқийман. Улар ҳақ-ҳуқуқимизни яхшироқ таниш, ҳуқуқий саводхонлигимизни оширишда муҳим рол ўйнаяпти. «Анҳор ёнида молхона...» рейд мақоласини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Унда оқар сувларимизнинг қадрига етмаётганлигимиз, оби ҳаётни булғаб, кимлардир гуноҳи азимга ботаётганлиги аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Ҳа, ҳозир кўпгина жойларда оқар сувлар муҳофазага муҳтож. Эслайлик, бир вақтлар ҳовлиларимиздан, кўчаларимиздан ўтган ариқлардан шарқираб сув оқарди. Ноинсоф кишилар чиқиндилар, оқаваларни ташлаб, зилол сувни булғашди. Бу ҳол қўшнилар ўртасида норозиликлар, келишмовчиликларни келтириб чиқарди. Охир-оқибат катта ариқларни кўмиб юбордик. Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?

Кўпинча Кўкча даҳасидан ўтаётганимда, бир манзарага эътиборни қаратаман. Бир вақтлар суви шишадек тип-тиниқ бўлган анҳор эндиликда ташвишли ҳолга келган. Унинг туби темир-терсак, турли ташландиқ нарсалар билан тўла. Катта бойлигимизни шу аҳволга келтирганимиздан наҳотки виждонимиз қийналмаса? Ахир, сув бўлмаса, ариқларимиз кўмилиб кетаверса, эртага нима бўлади? Фикримча, маҳаллаларда, мактабларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, оқар сувларимиз мусаффолигини сақлаш хусусида тарғибот-ташвиқот ишларини аниқ режа асосида олиб боришимиз керак. Агар шундай қилмасак, бугунги хато эртага қимматга тушиши тайин.

Абдусаттор ҚОДИРОВ,
меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри.

ҲАР ҚАТРАСИ КЎЗГА ТЎТИЁ

«Анҳор ёнида молхона...» сарлавҳали мақолада мутахассис ва журналистлар долзарб масалани кўтаришган. Уни ўқиб: наҳотки, шунчалик ношукур бўлиб қолдик, деган саволни ўзимга бердим. Оқава сувлар ёнида молхона, ҳожатхона, товуқхоналар қурилиши, анҳору каналларга чиқиндилар ташланиши гуноҳи азимдир. Кўпчилигимизда шундай камчилик бор: катта хатоларга йўл қўйиб, у муаммоларни келтириб чиқаргандан кейингина хўш, нега бундай бўлди, деб ўзимизга-ўзимиз савол берамиз. Аҳамиятини сўз билан таърифлаш қийин бўлган ҳаёт манбаи бўлмиш оқар сувларимизни ифлослантиравер-сак, чиқиндилар ташлайверсак, ҳатто заҳарлашгача бориб етсак, она табиат эртага бизни жазолайди. Келинг, азиз юртдошлар, оби ҳаётни ифлослантириш, уни қадрламаслик каби ҳолатларга қарши муросасиз курашайлик. Ҳар бир ариқ, анҳор, канални кўз қорачиғидек асрайлик. Сувларимиз зилол, покиза ҳолда авлодларимизга етиб борсин.

Ҳаким КОЗИМОВ,
Қарши шаҳридаги «Аланга» ҳиссадорлик жамиятининг бўлим мудири.

ОРТИҚЧА КУЧЛАР КИЧИК КОРХОНАЛАРГА

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бу йил Қашқадарёда 70 мингта иш ўринлари яратиш дастури ишлаб чиқилган. Шундан 23158 таси ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилади.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Қарши шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан маданият ва истироҳат боғида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда мулкчилик шаклидан қатъий назар 82 та корхона, ташкилот ва муассасалар 600 га яқин бўш иш ўринлари таклифи билан қатнашдилар.

Тадбир самара берди. Биргина «Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонасига қарашли 219-механизациялашган кўчма жамланмага ғишт терувчи, сувоқчи, электр пайвандчи, дурадгор ва бетон қуювчилик касбларига 30 нафарга яқин киши қабул қилинди.

— Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни тақозо этади, — дейди шаҳар ҳокимлиги меҳнат бўлими бошлиғи Ш.Турсунов. — Ҳозиргача 75 нафар вояга етмаган ёшлар якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ҳамда корхоналар билан шартнома туздилар.

Меҳнат бозорида қатнашган 494 нафар фуқародан 200 тасига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

«Бўш иш ўринлари» ярмаркасида «Элфат» тижорат ишлаб чиқариш идораси, ногиронлар маркази, «Пилла» очиқ ҳиссадорлик жамияти, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш корхонаси, шаҳарнинг Чақар, Қарлиқбоғот, Наво, Маҳтумқули маҳалла қўмиталари ҳудудидаги тадбиркорлик тизимлари фаол қатнашдилар. 81 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, уларнинг касби ва мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАРБИЯЧИЛАРГА КАСАБА УЮШМА МУКОФОТИ

Туман ва шаҳар халқ таълими бўлими касаба уюшма қўмитаси асосий эътиборни ўқув даргоҳларида таълим-тарбия ишларини яхшилашга қаратмоқда. Бунинг учун ўқитувчи ва тарбиячиларнинг малакасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йил ўтказилган «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Нафосат» кўрик-танловлари ғолиблари касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва 38 минг сўмлик қимматбаҳо буюмлар билан тақдирландилар. Йил якуни бўйича энг яхши деб топилган беш нафар ходим ҳам касаба уюшма қўмитаси мукофотини олди.

Мададга муҳтожларга мурувват кўрсатилиб 19 кишига 47 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Беморлар, ночор оилалар, ногиронлар аҳволидан хабар олинди. Касабақўм ташаббуси билан 3-гимназиянинг 35 йиллиги, атоқли қозоқ адиби Собит Муқонов таваллудининг 100 йиллиги тантаналари нишонланди.

Устозларнинг дам олиши ва даволаниши учун ҳам кўпгина ишлар қилинди. Ўтган йили 10 нафар соҳа вакили оромгоҳларда дам олиши учун 376 минг сўмлик йўлланмалар билан таъминланди. Шунингдек, ўтган йили ёзги оромгоҳларда халқ таълими ходимларининг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун 421 минг сўм касаба уюшма маблағи ажратилди ҳамда 180 болага совғасаломлар улашилди. Оналар ва болалар йилида ҳам уларнинг фарзандлари кўнгилдагидек дам олишмоқда.

Маҳбуба ҚУРБОНОВА,
Учқудуқ туман ва шаҳар халқ таълими касаба уюшма қўмитаси раиси.



Ўзбекистон тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Маҳсулот турларини кўпайтириш, харидоргирлигини ошириш ва намунали савдо хизмати кўрсатиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Шунингдек, ҳиссадорлар мавжуд ишлаб чиқариш тармоқлари иш унумдорлигини оширишнинг янги омилларини ишга солишяпти. Макарон, яхна ичимлик, музқаймоқ цехларидаги ишлар бир маромда давом этмоқда.

Суратларда: туман марказида таъмирлаб ишга туширилган озиқ-овқат дўконининг кўриниши; ишчи Музаффар Тўрахўжаев ва цех бошлиғи Илҳом Шеркулов маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

OLAMDA

ЛОНДОН. Исроил бош вазири Ариэл Шарон Вашингтонга кетаётиб Буюк Британияда тўхтаб ўтди. У Бош вазир Тони Блэр билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масаласини муҳокама қилди.

А.Шарон АҚШ ҳукуматидан ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги келишувга қатъий риоя қилиши учун Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатга тазйиқ ўтказишни сўрашини маълум қилди.

***

ХОНҚАЛЪА. Россия федерал хавфсизлик хизмати хабарига кўра, Чеченистонда ўтказилган махсус операция мобайнида чечен жангарилари етакчиларидан бири Арби Бараев ва унинг ўн нафар яқин сафдоши йўқ қилинган, бир неча жангари асир олинган.

19 июн куни бошланган махсус операция мобайнида федерал кучлардан бир киши ҳалок бўлди.

***

ПХЕНЬЯН. Шимолий Корея АҚШга қарши сиёсат юритиш йўлидан қайтмоқчи эмасга ўхшайди. Пхеньянда Корея уруши бошланганининг 51 йиллиги муносабати билан ташкил этилган митинг тўлиқ АҚШга қарши шиорлар остида ўтди. АҚШ Корея ярим оролининг бирлашувига тўсқинлик қилаётир, деди Пхеньян шаҳар халқ қўмитаси раиси.

***

ТОКИО. Японияда Токио префектураси йиғини учун ўтказилган сайлов ниҳоясига етди. Унда Либерал-демократик партиядан (ЛДП) кўйилган 55 номзоддан 53 нафари ғалаба қозонди. Комэйта партияси номзодлари эса 23 ўрин олишга муваффақ бўлди. Қолган партияларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, префектура йиғинига жами 127 депутат сайланди.

***

КОҲИРА. Араб давлатлари лигасига (АДЛ) аъзо мамлакатлар Яқин Шарқ минтақасини ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги декларация имзоланди. Бу ҳужжатда кимёвий ҳамда биологик қуролларга ҳам тақиқ жорий этилиши кўзда тутилган.

Кузатувчиларнинг фикрича, АДЛ мазкур ҳужжат билан Исроил ҳукуматига таъсир ўтказмоқчи. Араб давлатлари вакилларининг айтишича, Исроил чиндан ҳам Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишини хоҳласа, декларацияга имзо чекиши ва ундаги шартларни бажариши шарт.

***

ПАРИЖ. Франциянинг Уазан тоғида алпинистлар гуруҳи қор кўчкиси остида қолди. Оқибатда икки киши ҳалок бўлди, қолган алпинистлар оғир жароҳатланди. Қутқарув гуруҳи фожеа юз берган ҳудудда қидирув ишларини давом эттирмоқда. Қутқарувчиларнинг айтишича, қор тагида одам қолган бўлиши мумкин.

***

Свазиленд подшоҳи Мсвати мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Шундай қилиб, шундоқ ҳам мутлақ ҳокимиятга эга бўлган Мсвати ўз мавқеини ҳуқуқий томондан янада мустаҳкамлаб олди. Подшоҳ эълон қилган декретда айтилишича, унинг қарори судда ҳам, бошқа органларда ҳам муҳокама қилинмайди.

***

Перуда кучли зилзила юз берди. Оқибатда 50 киши ҳалок бўлган, 800 киши жароҳатланди. Бир неча кун ўтган эса-да, қутқарувчилар ҳали ҳам ишини тўхтатгани йўқ. Перу президенти Валентин Паниагуа табиий офат юз берган жойга келиб, вазият билан танишди.

***

Каракасда Перу хавфсизлик хизматининг собиқ раҳбари Владимиро Монтесинос ҳибсга олинди. У бир неча ойдан буён бутун Лотин Америкаси бўйича қидирилаётган эди. Собиқ президент Алберто Фухиморининг маслаҳатчиларидан бири бўлган В.Монтесинос мамлакатда ўтган йилнинг октябрида порахўрлик билан боғлиқ жанжал бошланганидан буён қочиб юрган эди.

(ЎзА)

NIMA GAP

"Ўзбилбўл"

ЯНГИ МИЛЛИЙ ЎЙИН

Сўнгги бир-икки йил ичида янги ўйин тури пайдо бўлди. Бу янги ўйинни Тошкент шаҳрида яшовчи Қудрат Назаров ихтиро қилди. У аслида бильярд ўйинидан келиб чиққан бўлиб, ижодкор уни «Ўзбилбўл» деб номлашни маъқул топган. Республика таълим маркази қошидаги махсус кенгаш томонидан «Ўзбилбўл» миллий ўйин тури сифатида мактаб ва боғчаларга тавсия этилган. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, кўпчилик ўйинлар каби «Ўзбилбўл» ҳам ёшларни, болаларни жисмоний жиҳатдан чиниқтиришга хизмат қилади. «Ўзбилбўл»нинг ўзига хос томонлари ва асосий қоидалари ҳақида унинг ижодкори Қудрат Назаров «Туркистон-пресс» мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўйиннинг афзаллиги шундаки, иштирокчилар ўйин давомида ҳам фикран, ҳам жисмонан, мускул ва сезгилари билан ҳаракатда бўлади. Шахсий беллашувда икки ўйинчи қуръа ташлаш йўли билан аниқланиб, ўйинни бошлайди. Жамоа бўлиб ўйнаганда (4 та ва ундан ортиқ иштирокчи) қуръа жамоа сардорлари ўртасида ташланиб, қайси жамоа биринчи бўлиб ўйинни бошлаши аниқлаб олинади.

Ўйин майдоннинг ўрта қисми лузаларининг тўғрисида 10 та учбурчак шаклида терилган коптокларни 1 метр 25 сантиметр қаршиликда ўн биринчи тўпни тепиш билан бошланади. Ўйин давомида агар биринчи зарбадан кейин тўп лузага тушмаса, тўпни уриш навбати рақиб томонга ўтади. Ҳар бир лузага киритилган тўп учун 2 очко берилади. Мусобақа давомида ўйинчи тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборса, навбат рақибга ўтади. Ўйинчи иккинчи бор тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборса, унинг 1 очкоси олиб ташланади ва тўпни тепиш навбати рақибига ўтади. Ўйинчи 1 очко йўқотгандан кейин ҳам майдон ташқарисига тўпни чиқариб юборса, ўйинчининг бир тўпи ўйин майдонига қайтарилади. Ўйин навбати рақибга ўтади. Қайси бир ўйинчининг ташқарига чиқариб юборган тўплари сони 5 тага етса, мусобақа тўхтатилиб, унга мағлубият ёзилади. Ўйин шу тахлит якунлангунча давом этади. Ўйинда жаримасиз киритилган 5 тўп учун 10 очко берилади ва ҳалол ютган ҳисобланади. Ўйин давомида ўйинчига бир жарима, икки танбеҳ берилган бўлса, энди у ғолиб бўлиши учун 6 тўпни лузага киритиши керак бўлади. Тепилган тўп бошқасига тегмаса, ўйинчининг бир коптоги ўйин майдонига қайтарилади. Ўйин вақти 20 дақиқа давом этади. Ким кўп очко тўплаган бўлса, ғолиб деб топилади.

Таъкидлаш керакки, ўйин ҳақидаги таклиф киритилгандан кейин кутилмаганда жамоатчиликнинг унга бўлган қизиқиши жуда кучайиб кетди. Шунга кўра биз «Ўзбилбўл» учун зарур бўлган жиҳозларни ишлаб чиқариш ҳақида ўйлай бошладик. Дастлабки анжомларни ўзимиз уйда тайёрладик. Ўйинга хорижлик тадбиркорларнинг ҳам қизиқиши жуда катта.

Ўйинни йўлга қўйишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олой бозоридаги «Маъмур» хусусий фирмаси бизга жуда катта моддий ёрдам берди. Улар ёрдамида биз ўйин учун зарур бўлган жиҳозларнинг дастлабки туркумини ишлаб чиқардик. Унинг бир нусхасини Меҳрибонлик уйларидан бирига тақдим этмоқчимиз.

Бу ўйин кенг кўламда спорт майдонлари, боғча, мактаб, ҳовли, маданий дам олиш масканларида ташкил этилади, деган умиддамиз.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда Чирчиқдаги «Олмос» ўйингоҳида тармоқ ходимлари ўртасида Оналар ва болалар йилига бағишланган спартакиада ўтказди.

ЧИРЧИҚЛИКЛАР СПАРТАКИАДА ПЕШҚАДАМИ

Унда пойтахт вилоятининг туман ва шаҳарларида тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган соҳа ходимлари иштирок этдилар. Улар спортнинг волейбол, стол тенниси, «Она ва бола» оилавий мусобақаси, шахмат-шашка каби турлари бўйича куч синашдилар.

— Спорт — соғлом турмуш тарзи ва саломатлик гаровидир, - дейди вилоят тармоқ қўмитаси раиси А.Газиев. — Ушбу шиорга амал қилган ҳолда ўтказилаётган тармоқ ходимлари спартакиадаси уларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш, бу орқали соғлиқларини яхшилаш учун хизмат қилади.

Ҳаяжонга бой ва қизғин беллашувлар остида ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида чирчиқликлар пешқадамлик қилдилар.

Ўйинларга уюшқоқлик билан пухта ҳозирлик кўрган Бўстонлиқ тумани жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Бекобод шаҳрининг спортчилари учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Спартакиада ғолибларига вилоят тармоқ қўмитасининг совринлари топширилди.

М.ДАВРОНОВА.

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ФИНАЛ НАВОИЙДА

Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятлари савдо ходимлари ўртасида анъанавий минтақавий спартакиада беллашувлари бўлиб ўтди. Иштирокчилар волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича баҳс олиб бордилар. Умумжамоа ҳисобида қорақалпоғистонлик спортчилар биринчи ўринни эгалладилар.

Энди ғолиб ва совриндорлар Навоий вилоятида ўтадиган спартакиаданинг финал босқичида қатнашадилар.

ЕТТИ ТУР БЎЙИЧА БЕЛЛАШУВ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси Оналар ва болалар йилида Ватанимиз келажаги бўлмиш болажонларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Маънан ва жисмонан соғлом авлодни шакллантириш учун эса аввало оналар соғлом бўлмоғи даркор. Шу боис аёлларнинг саломатликларини яхшилаш, жисмонан бақувват бўлишларини таъминлаш мақсадида вилоят тармоқ қўмитаси тизим меҳнаткашларини спорт-соғломлаштириш тадбирларига кўпроқ жалб этиш, турли спартакиада ва мусобақалар ташкил этишга тобора кўпроқ аҳамият бермоқда.

— Қишлоқ хўжалик тизимида меҳнат қилаётган аёлларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш мақсадида хотин-қизлар спартакиадасини ўтказдик, - дейди вилоят тармоқ қўмитаси раиси Б.Ҳалилов. — У уч босқичда ташкил этилиб, 1-босқичда туман биринчилиги, 2- босқичда эса туманлараро спорт жамоалари беллашувлари бўлиб ўтди. Спартакиаданинг Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўйингоҳида ташкил этилган 3-якуний босқичида туманлараро ҳудудий мусобақалар ғолиблари спортнинг 7 та тури бўйича беллашувларни давом эттирдилар.

Стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка, «Она ва бола», «Барчиной» мусобақаларида умумжамоа ҳисобида Паркент тумани жамоаси пешқадамликни қўлдан бермади. Оққўрғон тумани жамоаси иккинчи, бўкаликлар эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Якка баҳсларда стол тенниси бўйича паркентлик Д.Эштоева шоҳсупадан жой олди. Оққўрғонлик В.Чакенкога иккинчи ўрин насиб этди. Оҳангарон тумани жамоаси аъзоси С.Қамбарова эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Шахмат мусобақасида ғолиблик Бўка тумани вакилига насиб этди — М.Хожибекова ажойиб комбинацияларни ишга солиб, биринчи бўлди. Оҳангаронлик шахматчи Н.Жумабоева иккинчи, Паркент тумани аъзоси Ш.Эргашева учинчи бўлдилар.

Шашка ва «Барчиной» беллашувларида оққўрғонликларнинг қўллари баланд келди.

«Она ва бола» ҳамда волейбол мусобақаларида эса Паркент тумани спортчиларига омад кулиб боқди.

М. ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Самбо

ЮТУҚЛАРИМ АВВАЛО МУРАББИЙГА ТЕГИШЛИ

Баъзилар жуссамга қараб самбо бўйича мамлакат чемпиони, Осиё биринчилиги совриндори эканлигимга ишонмагандай бўлишади. Кўзларига анчайин ёш ва нимжон кўринсам керак-да. Дарвоқе, менда спортга муҳаббатни дадам, кикбоксинг бўйича спорт устаси Акбаржон Раҳматиллаев уйғотган. У мени Асака туманининг узоқ қишлоғидан Андижон шаҳрига олиб келган, спортнинг шу тури бўйича тажрибали мутахассис Баҳром ака Расуловга топширганди. Мураббийимнинг дастлабки имтиҳонидан яхши ўтдим, шекилли, мен билан жиддий шуғуллана бошлади. Ўзим ҳам самбога чуқур меҳр қўйганимданми, қора терга ботиб кетсам ҳам, машғулотларни тўхтатгим келмасди.

— Шуғулланавер, — дерди устоз ўшанда, — бугунги қийналишларинг роҳатини эртага албатта кўрасан. Чунки энг яхши натижаларни қўлга киритишинг учун сенда ҳамма имконият бор: тиришқоқсан, ироданг кучли, шароит яхши. Фақат маҳоратни ошириб бориш, юқори чўққилар, эзгу мақсадларни кўзлаб иш тутиш керак, холос.

Баҳром ака ушбу ўгитини ҳали-ҳануз эслатиб туради. Эринчоқлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини ота-онам ҳам уқтириб келадилар. Мен ҳам уларнинг гапига сўзсиз амал қиламан. Зеро, менимча катта орзу-умидлар билан яшаб, уларни амалга ошириш учун курашишдан ширин туйғу йўқ жаҳонда. Машҳур боксчи Муҳаммадқодир аканинг Олимпиада рингидаги сўнгги «жанги»ни диққат билан кузатганман. Ҳакам уни Олимпиада чемпиони деб эълон қилганида, боши устида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турганида, кўзларида ёш қалқиган эди. Бу — Ватан, халқ ишончини, ота-она ва устоз ишончини оқлай олганидан келиб чиққан қувонч ёшлари эди.

1999 йил мактаб ўқувчиларининг республика спартакиадасида ўз вазн тоифам бўйича биринчи ўринни олганимда, 2000 йилда Владивосток шаҳрида ёшлар ўртасида самбо кураши бўйича Осиё биринчилигида фахрли 3-ўринни қўлга киритганимда юрагим ўшандай ҳаприқиб, кўзимда қувонч ёшлари ўйнаган эди.

Лекин орзуларим ҳали бир дунё, мўлжаллаган марраларим олдинда. Айни пайтда Андижон Давлат университетининг жисмоний тарбия бўлимида таҳсил кўраяпман. Университет ректори ва касаба уюшма ташкилоти ҳамма шарт-шароитни яратиб берган.

Мен катта спортда озми-кўпми ютуқларни қўлга киритиб, шундай тўхтамга келдим: фарзанднинг камолида ота-онанинг, шогирд камолида устознинг хизмати ҳал қилувчи аҳамиятга эга экан. Шунинг учун спортчи бирор катта ютуққа эришганида фақат ўзини мақташини ўринсиз деб ҳисоблайман. Бу, аввало, фарзандга етакчи бўлган ота-онанинг, шогирдни шундай шоҳсупага олиб чиқа олган мураббийнинг хизматидир.

Ҳувайдо РАҲМАТИЛЛАЕВА, Асака тумани, Унгут қишлоғи.

Футбол

Ниҳоят, истисно тариқасида бўлса-да, биринчи даврага якун ясаш палласи келди. Очиғи, мавсум арафасида таркиблардаги ўзгаришлар бир-бир эълон қилиниб, у жамоадан бу жамоага ўтишлар поёнига етгач, барча бир овоздан бу йилги биринчилик «Пахтакор» командасининг яккол устунлиги остида ўтади, деган тўхтамга келган эди. «Навбаҳор»нинг собиқ мураббийи Виктор Жалилов қўл остида қарийб терма жамоа тусини олган «Пахтакор» дарҳақиқат биринчи турда хужумкор ва сермаҳсул ўйин намойиш этиб, мухлисларини бехад шодлантириб юборган эса-да, иккинчи турдаёқ ҳамма нарса жойига тушди. Қаршининг «Насаф» жамоаси меҳмонда тўп сурганига қарамай, майдон эгаларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, вазият башорат қилинганидан ўзгачароқ эканидан огоҳ этгандек бўлди.

БИЗ БУНГА ЖУДА ЯҚИНМИЗ

Ўзбекистон футболининг халқаро майдонда муносиб ўрни бўлади

Амалда шундай бўлди ҳам. Аввал «Насаф», сўнг «Нефтчи» карвонбошиликни қўлга киритиб, кучли таркиб бу ҳали ғалаба эмаслигини, футбол мутахассислар, энг аввало мураббийларнинг ҳам ўзаро баҳси эканлигини такрор ва такрор ёдга солди. Айниқса, бу Тошкентда «Пахтакор» ва «Нефтчи» ўртасидаги матчда очиқ кўзга ташланди. Ташаббускорлик кўрсатиб хатто ҳисобда олдинда бораётган тошкентликлар аввал майдон марказини, сўнг эса бутун ўйин жиловини фарғоналикларга бериб қўйдилар. Аслида шу куни майдонда ҳаракат қилаётган футболчилари орқали Саркисян ҳамкасабаси Жалиловга аччиқ сабоқ берди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин барча муваффақиятсизликлар учун фақат мураббийлару ўйинчиларни айблашимиз инсофдан бўлмаса керак. Эҳтимол буни мавсум тақвимидаги бир қарашда жўяли туюлган ўзгаришлар, гўё адолатсизликка йўл қўймаслик мақсадида таркибидан уч ва ундан кўп ўйинчи терма жамоага жалб қилинган жамоалар иштирокидаги учрашувларни номаълум муддатга кечиктиришлар сабаб бўлгандир. Авваламбор, бундай мажбурий нафас ростлашлар командага ҳам жисмоний, ҳам руҳий таъсир ўтказиши табиий. Қолаверса, кечиктирилган ўйин, бу мутлоқ кафолатланган ғалаба дегани эмас.

Бинобарин, футболимиз ривожини мунтазамлилик асосига қурмоқчи бўлсак, ташкилий масалаларни ҳам ана шу мақсадлар замирида тикламоғимиз даркор. Бунда бизга хориж тажрибаси асқотиши мумкин. Модомики, жаҳонга йўл тутиш учун кучли клубларга эга бўлишимиз тақозо этилар экан, демак, улар ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган даражада оёқда маҳкам туришлари, унча-мунча зарбани зарба ўрнида кўрмасликлари лозим бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда энг камида 4-5 та клуб бирданига икки-уч фронтда кураш олиб боришга қурби етиши керак. Худди «Реал», «Бавария», «Манчестер Юнайтед» жамоалари сингари...

Тўғри, туб ислоҳотлар йўлидан бораётган футбол федерациямиз ушбу йўналишда қисқа фурсатлар ичида кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Олий табақа клублари сонини қисқартириш ва хориждан тажрибали ўйинчиларни жалб қилиш эвазига футболимиз ривожини тезлаштиришга қатъий режа асосида киришилганлигини эслайлик-а. Бунинг илк самарасини биз мамлакатимиз терма жамоасининг Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари биринчи босқичида ўз кўзимиз билан кўрдик. Болгариялик Дионисиев ва россиялик Маминовларнинг умумғалабамизга қўшган ҳиссасини унутиб бўларканми! Бироқ...

Бангкокда иккинчи босқич саралаш гуруҳлари маълум бўлгач, Ўзбекистон терма жамоаси, нимасини яширамиз, нисбатан осонлик билан жаҳон чемпионатига йўлланма олиши тўғрисида тахмин-башоратлар айтила бошлангач, негадир бош тренер В.Сальков кўнгилни хира торттирувчи сўзларни айтадиган бўлиб қолди. «Ҳозирда кўпчилик журналистларнинг гуруҳимизни кучсиз, деб баҳолашига қўшилолмайман», деди у жумладан. Ажабо, Саудия Арабистони ёки Эрон билан бир гуруҳга тушиб қолганимизда у нима дер эди?

Хўш, бош мураббийни нима ташвишлантирмоқда? «Чунки, — деди у журналистлар билан суҳбатда, — хорижда тўп сураётган футболчиларимизни ўз клублари қўйиб юборишлари аримаҳол».

Умуман, шунчалик умидсизлик жоизми? Бу нафақат мухлисларга, балки терма жамоада Ўзбекистон шарафи учун тўп суришни ният қилган футболчиларга руҳан таъсир этмайдими?

Яхшики, футболчиларнинг ўзлари бошқача фикрда. Мана Николай Ширшов нима дейди: «Бу биз учун имконият. Ҳамма гап энди фақат ўзимизда...» У билан бирга «Ростсельмаш»да ўйнаётган Акопянц ва Лушанлар ҳам терма жамоага ёрдам қилишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар. Хўш, ўйинчилар шундай деб турганда, нега чўчишимиз керак!

Шубҳасиз, легионерларсиз Малайзияга Қироллик кубоги баҳсларида қатнашиш учун йўл олган терма жамоамиз яна бир неча ўйинчини кашф этиши мумкин. Энг муҳими, ишонч! Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деб бежиз айтмайдилар. Ахир, гуруҳ ғолиби бўлиб, келгуси йили Жаҳон чемпионатида Франция ёхуд Бразилияга қарши майдонга тушишни Қосимов ёхуд Маминов хоҳламайди дейсизми? Бу ҳар қандай футболчи учун бир умрлик орзу-ку!

Эътироф этиш лозим: бугун футбол федерациямизнинг бутун саъй-ҳаракатлари мамлакат терма жамоасининг муваффақиятини таъминлашга бўйсундирилган. Бу бежиз эмас. Чунки футболни равнақ топтиришнинг синалган икки йўли бор. Бири кучли клубларнинг халқаро майдондаги зафарли одимлари бўлса, иккинчиси терма жамоанинг ғолибона юриши. Икки омилдан баб-баравар фойдаланишга нима етсин, аммо вақт тиғизлиги бизни ҳозирча иккинчи йўлни танлашга мажбур этмоқда. Эришилган муваффақият иккинчи йўлни забт этишга ҳам замин яратади, албатта.

Шундай қилиб, мамлакат чемпионати биринчи давра ўйинлари ниҳоясига етди. Ўйлаймизки, янги, янада мураккаб учрашувлар олдидан берилган танаффус ҳар томонлама фойдали бўлади: ички чемпионатимиздаги баҳслар бугунгидан-да қизғин тус олса, Жаҳон чемпионати саралаш босқичида терма жамоамиз мухлислар ишончини оқлаб, Япония ва Жанубий Кореяга бериладиган йўлланмани қўлга киритади. Биз бунга ҳар қачонгидан яқинмиз!

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

17-турдан кейинги вазият

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	16	14	2	0	50-12	44
2.«Насаф»	17	13	2	2	40-16	41
3.«Дўстлик»	15	9	3	3	34-17	30
4.«Пахтакор»	13	10	0	3	30-13	30
5.«Навбаҳор»	17	10	0	7	31-24	30
6.«Самарқанд-Д»	17	9	1	7	33-28	28
7.«Академия»	17	7	6	4	32-19	27
8.«Бухоро»	16	8	1	7	30-31	25
9.«Қизилқум»	16	7	3	6	18-17	24
10.«Трактор»	17	7	3	7	27-27	24
11.«Зарафшон»	16	5	4	7	25-23	19
12.«Андижон»	16	6	1	9	31-31	19
13.«Сўғдиёна»	17	5	3	9	19-27	18
14.«Кимёгар»	17	4	3	10	15-30	15
15.«Металлург»	17	2	6	9	13-35	12
16.«Турон»	16	3	3	10	8-30	12
17.«Сурхон»	17	4	0	13	19-42	12
18.«Семурғ»	17	2	3	12	20-53	9

Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси «Ўзбекқогози» Акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Маъруф Одиловга падари бузруквори **ОРИФ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 22.00
Топширилди 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6